O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 24 APREL ◆ SESHANBA ◆ № 48 (26.750)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, Оқ уй раҳбари ўзгарганидан кейин АҚШ маъмурияти расмий вакилларидан иборат делегация илк бор юртимизга ташриф буюрмоқда.

— Мазкур ташриф АҚШнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётганини яна бир карра тасдиқлайди, — деди Ислом Каримов меҳмонлар билан суҳбатда. — Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳам АҚШ билан узоқ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Айни пайтда хавфсизликни таъминлаш борасида бизга АҚШ томонидан кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдормиз. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар кимнинг аслида кимлигини, яъни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ким самимий ёрдам бераётгани-ю, ким кўмак бериш баҳонаси билан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун замин тайёрлашга уринаётганини аниқ кўрсатиб беради.

Президентнинг бу сўзлари бежиз эмас. АҚШ мамлакатимизга кўп бор божхона хизмати, қуролли кучлар ишлатадиган замонавий техника воситалари етказиб берган ва бермоқда. Бу гал эса меҳмонлар чегарачиларимиз учун тунда кўриш мосламалари олиб келган.

Оқсаройдаги учрашувда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди. Томонлар, айниқса, минтақавий хавфсизлик масалаларига кўп эътибор қаратди. Хусусан, Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш бўйича тузилган «6+2» гуруҳи доирасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, террорчиликка қарши кураш, давлат чегарасини мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

■ **(ЎзА)**

Суратда: қабул пайти.

***

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

АСКАР ЎҒЛОНЛАР ҲУЗУРИДА

Майор Равшан Охунов қўмондонлик қилаётган ҳарбий қисмда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари билан ҳарбий қисм ўртасида аскарларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби ҳамда «Иқбол» ёшлар маркази нодавлат, нотижорат ташкилоти ушбу давра суҳбатининг ташаббускорлари бўлишди. Унда аскарларнинг ҳарбий соҳада эгаллаган билимлари, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида уларнинг иштироки қай даражада эканлиги алоҳида қайд этилди.

— Ташкилотимиз пойтахт ҳамда Тошкент вилояти ёшлари муаммоларига кўмаклашиш, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишларини янада орттириш билан шуғулланади, — дейди «Иқбол» ёшлар маркази раҳбари Нигора Ғаффорова. — Аскарлар билан «Истиқбол» ёшлар клуби ҳамкорлигида ўтказилаётган бу илк тадбиримиз ўз натижасини беришига ишончимиз комил.

Ҳақиқатан, ЎзХДП бошланғич ҳамда қуйи ташкилотларида бу сингари эзгу ишлар қамровини кенгайтириш борасида турли тажриба мактаби юзага келган. Эндиликда жойларда ёшлар онгига Ватанни севиш, унга содиқ бўлиш, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик хусусида турли ташвиқот-тарғибот ишларини юритиш чораларини янада кучайтириш заруратга айланган.

Тадбирда ЎзХДП МК котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФУТБОЛ

СИНОВ БОШЛАНДИ

Шу кунларда миллионлаб мухлисларнинг нигоҳи пойтахт ўйингоҳларига қадалган, десак муболаға бўлмас. Гап шундаки, Тошкентда жаҳон футбол чемпионатининг 7-гуруҳига кирувчи жамоалар ўртасида саралаш учрашувлари бошланди. Кеча «Пахтакор» марказий ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерда учрашувларни тантанали очилишига бағишланган тадбир байрамона тус олди. Мухлисларни таниқли хонандалар ўз чиқишлари билан мамнун этишди. Шундан кейин майдонга Ўзбекистон терма жамоаси билан Хитой Тайпейи футболчилари тушдилар. Қизиқарли ва мароқли ўтган учрашувда 7:0 ҳисоби қайд қилинди. Мазкур учрашувда Жаъфар Ирисметов 4 та тўп киритди. Барвақтроқ ўтказилган дастлабки учрашув МХСК ўйингоҳида якунланганди. Бу ерда Туркманистон — Иордания футболчилари ўзаро куч синашдилар. Ўйин 2:0 ҳисобида тугади.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИДА УСЛУБ ВА КЎРГАЗМАЛИЛИК

Ана шу ном билан Фарғона вилоятида бўлиб ўтган республика семинар кенгаши чин маънода маънавият байрамига айланди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган вакиллар икки кун давомида вилоятда амалга оширилаётган маънавий ва маърифий ислоҳотларнинг бориши билан танишдилар. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида бўлдилар.

Мафкуравий курашнинг кўлами кенгайиб бораётган ҳозирги даврда кўргазмали тарғибот воситаларидан фойдаланишнинг самараси беқиёс эканлигини семинар қатнашчилари алоҳида таъкидладилар. Миллий истиқлол ғояси, унинг тамойилларини одамлар онги ва қалбига етказишда бу омилдан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини ва мунтазамлигини таъминлаш, халқчиллик ва ҳаққонийликка эришиш асосий вазифалардан биридир. Шундай экан миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш кўп сонли тарғиботчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Нотиқлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази воизлар кўрик-танловини эълон қилган эди. Анжуман давомида вилоятларда бўлиб ўтган кўрик-танлов ғолибларининг чиқишлари ташкил этилди.

Мамлакатнинг буюк келажаги, Ватан равнақи, юрт ободлиги, мустақиллик ва ислоҳотлар, комил инсон тарбияси мавзуидаги маърузалар билан нотиқлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Анжуман яна бир марта жамоатчилик фикрини бойитиш ва шакллантиришга қурби етадиган тарғиботчилар тизими шаклланаётганлигини кўрсатди.

Танловда энг яхши нотиқлар рағбатлантирилди. Ушбу мавзудаги анжуманни доимий равишда ўтказишга келишиб олинди.

■ **Ўз мухбиримиз**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 24 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	178,14	10 Люксембург франки	77,52
1 Австрия шиллинги	22,73	1 Малайзия ринггити	91,37
1 Англия фунт стерлинги	501,40	1 Германия маркаси	159,88
10 Бельгия франки	77,52	1 Польша злотийси	86,93
1 Голландия гульдени	141,90	1 СДР	442,45
10 Греция драхмаси	9,18	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	41,93	1 Финляндия маркаси	52,59
1 БАА дирхами	94,53	1 Франция франки	47,67
1 АҚШ доллари	347,18	1 Швейцария франки	204,42
1 Миср фунти	89,40	1 ЕВРО	312,71
10 Испания песети	18,79	10 Жанубий Корея вони	2,65
100 Италия лираси	16,15	10 Япония иенаси	28,45
1 Канада доллари	224,58	1 Россия рубли	12,02
1 Хитой юани	41,94	1 Украина гривнаси	64,08

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МОСКВАДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

ЎҚИЛГАН КИТОБ ВА ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛГАН МАМЛАКАТ

Москвада Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди

Москвадаги «Вагриус» нашриёти Россиядаги энг обрўли нашриётлардан бири бўлиб, бу ерда асосан ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарлар чоп этилади. Мазкур нашриётда таниқли сиёсатшунослар, фан ва маданият арбобларининг китоблари босилади. «Вагриус»да Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга бағишланган нашрлардан биринчиси — «Биринчи шахсдан» китоби чоп этилганлигини айтишнинг ўзи кифоядир.

Айнан мана шу нашриётда яқинда профессор Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китоби босмадан чиқди. Мазкур китобнинг дунёга келиши Россиянинг нафақат маданий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кўплаб тақризлар ҳамда турли дунёқарашга эга бўлган ўқувчиларнинг жонли қизиқишлари фикримиз далилидир.

Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида ўтказилган китоб тақдимоти буни яна бир бор тасдиқлади. 20 апрель куни бу ерга давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, Россиянинг таниқли фан ва маданият арбоблари, халқаро ташкилотлар ходимлари, Москвада аккредитациядан ўтган дипломатлар ташриф буюришди. Тақдимот арафасида Россия телерадиоканаллари орқали намойиш этилган муаллифнинг қатор интервьюлари, матбуот ва ахборот агентликларининг бўлажак тақдимот ҳақида тарқатган хабарлари ушбу китобга бўлган қизиқишдан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси элчиси Шоқосим Шоисломов Леонид Левитинга салмоқли иши учун миннатдорчилик билдирди. Муаллиф Марказий Осиё масалалари бўйича етакчи мутахассислардан бири бўлиб, у узоқ йиллар мобайнида ушбу минтақада истиқомат қилган. Л.Левитин айни пайтда Германияда яшайди. Элчи сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистонда амалга оширилган ана шу чуқур ва холис изланишлар нафақат олимлар ва сиёсатчилар, балки кенг китобхонлар оммасига ҳам қизиқарли бўлишига ишонч билдирди.

Л.Левитин ўз ишини тақдим этар экан, Ўзбекистонни яхши билиши, бу ерда содир бўлаётган ўзгаришларни ичкаридан ва ташқаридан туриб кузатганлигини таъкидлади. Хорижда мамлакат тўғрисида, айрим ҳолларни инобатга олмаганда, юзаки ёзишади. Айнан шу ҳолат муаллифни биринчи навбатда россиялик ва ғарблик китобхонлар учун Ўзбекистон ҳақида ёзишга ундаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Вячеслав Голишев «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарида қўшилиш ёки баҳслашиш мумкин бўлган хулосалар бор эканини, шу билан бирга муаллифда ҳурматга сазовор бўлган жиҳат, унинг ўз нуқтаи назари мавжуд эканини таъкидлади. Сиёсий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган ўта билимдон ва ҳалол олим мамлакатда ва минтақада рўй бераётган ҳодисаларга ўз баҳосини беришга ҳақлидир. В.Голишев ушбу китобга ҳамда Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари учун маросимда тўпланганларга, шунингдек, алоҳида тадқиқ этишга мавзу бўла оладиган мазкур асарга сўзбоши ёзган Александр Яковлевга алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Россия Фанлар академияси академиги, «Демократия» халқаро жамғармасининг раиси Александр Яковлев китобни қўлёзма ҳолида ўқиганман, Ўзбекистон ва давлат раҳбари Ислом Каримов шахси ҳақида ўзим учун ҳақиқий кашфиёт бўлди, дея эътироф этди. Ушбу асарни у Россия билан тенг ҳуқуқлик асосида дўстона алоқалар олиб боришга, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа қўшнилари билан кенг кўламда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирувчи ҳужжатлар билан ўз исботини топган ишора деб қарайди. Академикнинг фикрича, россиялик сиёсатчилар буни жиддий қабул қилишлари керак.

У ўз сўзида давом этар экан, китобни ўқиш жараёнида бир нарсани тушунишни истаганини айтди. Китобда Левитин нималарнидир қўшиб ёзгандир, эҳтимол. Бироқ Яковлев шахсий тадқиқотлари натижасида асарда ёзилган ҳамма нарса ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилганини айтди.

«Вагриус» нашриёти бош директорининг ўринбосари Андрей Ильницкий ушбу асар ўзининг чуқур мушоҳадаларга бойлиги ва ҳаққонийлиги билан Ўзбекистон ва минтақа ҳақидаги баъзи нотўғри фикрларга барҳам беради, деб ҳисоблайди. Россияда ва бир пайтда бу китобнинг Буюк Британияда машҳур сиёсатшунос Фредерик Старрнинг сўзбошиси билан нашр этилиши тасодиф эмас. Ноширларнинг бундай пешмапеш фаолияти бугунги замонавий дунёда Ўзбекистонга нисбатан умумий қизиқиш мавжудлигидан ёрқин далолат беради.

Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений Кожокин, россиялик машҳур кардиожарроҳ Ренат Акчурин, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро телефоруми ташкилий қўмитаси раиси Валерий Рузиннинг чиқишлари мазмунан бой бўлди.

Сўзга чиққанлар жамиятни ижтимоий-иқтисодий ислоҳ этишда, дунёвий демократик давлат қурилишида, минтақани қонли тўқнашувлар ва англаб бўлмас қонунбузарликлар ҳудудига айлантирмоқчи бўлган экстремист кучлар хатти-ҳаракатларига қарама-қарши туришдаги Ўзбекистон тажрибасининг ноёблигини қайд этишди. Нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги, балки жаҳонда «тараққиётнинг ўзбек модели» дея эътирофини топган миллий иқтисодиётни ўзига хос йўсинда замонавийлаштириш ва ислоҳ қилишда ўз фуқаролари ҳаётини ва хавфсизлигини муҳофаза қилишда давлатнинг роли алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг муаллифи мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти ва унинг шахс сифатидаги фазилатларига берган юксак баҳолари маросимдаги сўзга чиқишларда ва ўзаро мулоқотларда қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари ўз халқи томонидан тарихнинг мураккаб, том маънодаги бурилиш палларида эҳтиёж сезилган дунё миқёсидаги етакчилар сирасида тилга олинди.

«Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг Москвадаги тақдимоти мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг ўн йили давомида эришилган улкан ўзгаришларга россияликларнинг қизиқиши ва ҳурматини кўрсатди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берилган интервьюларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримлари билан танишайлик:

Виталий Наумкин — стратегик ва сиёсий тадқиқотлар Халқаро жамғармаси президенти, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши эксперти:

— Ўзбекистон шитоб билан ривожланиб бораётган, замонавий демократия шарт-шароитлари ҳамда миллий маданият ва анъаналарнинг ўзига хос жиҳатлари уйғунлашган ҳолда ўзининг тараққиёт йўлини топа олган мамлакатдир. Айнан мана шу жиҳат, шунингдек, мамлакат етакчисининг роли ушбу китобда ўз ифодасини топган. Президентликка бўлган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш асносида сайловларнинг рисоладагидек, бекаму кўст ўтганига шахсан ишонч ҳосил қилдим — сайловлар Ўзбекистон раҳбарининг шу қадар юқори обрўга эга эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон тажрибаси жуда жиддий ўрганишга лойиқ, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ўрганиш эса бизнинг мамлакатимиз учун фавқулодда муҳимдир. Шу боисдан ҳам Л.Левитин асарининг нашр этилиши муҳим сиёсий воқеадир.

Алексей Малашенко — Александр Синайский — генерал-лейтенант, МДҲ мудофаа вазирлари Кенгашининг котиби:

— Минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон катта роль ўйнайди. Асарда халқаро терроризм, турли шаклдаги экстремизм кўринишлари билан курашда Ўзбекистон ва унинг Президенти роли юқори баҳоланган, ишончим комилки, бу келгусида янги қувватни касб этади.

Архимандрит Марк — Москва патриархиати ташқи черков алоқалари бўлими раиси:

— Ўзбекистон фуқароларароро тотувлик ҳукм сураётган, турли дин вакиллари ўртасида тинчлик-хотиржамлик сақланиб турган мамлакатдир. Муқаддас Патриарх Алексий Ўзбекистонда бўлиб, минтақада турли динларароро, давлат ҳокимияти вакиллари ва Православ черкови ўртасидаги муносабатларни юқори баҳолади. Биз гувоҳ бўлиб турганимиз — турли дин ва миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро ишонч муҳити ҳукм сураётган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ва дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб қолишига умид қиламиз.

Леонид Левитин — профессор, китоб муаллифи:

— Тақдимот маросими кутганимдан ҳам аъло бўлди, тўпланганларнинг китобга бўлган қизиқишини ҳамда уларнинг Ўзбекистонга нисбатан хайрихоҳлигини кўриб мен жуда тўлқинланиб кетдим. Тилагим эса, буларнинг барчаси Россия давлат сиёсатида ўз татбиғини топсин, Россияга Ўзбекистон жуда зарур бўлганидек, Россия ҳам Ўзбекистонга муҳтождир.

■ **Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА. Москва.**

BUSINESS BANK

«БИЗНЕС БАНК»НИНГ АЛМАШТИРИШ БЎЛИМИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА СИЗ ВАЛЮТАНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ ЁКИ СОТИШИНГИЗ МУМКИН.

◎ Хорижий нақд валюталар Ўзбекистон Республикаси резидентларига нақд сўмларга сотилади;
◎ Хорижий нақд валюталар Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларидан нақд сўмларга сотиб олинади;
◎ Хорижий нақд валюталар пластикли карточкалар бўйича берилади;
◎ Бир давлатнинг хорижий нақд валютаси бошқа давлатнинг хорижий нақд валютасига алмаштирилади (конверсия);
◎ Хорижий валютадаги йўл чеклари сўмларга сотиб олинади;
◎ Йўл чеклари бўйича хорижий нақд валюталар берилади.

Алмаштириш бўлими «БИЗНЕС БАНК» биносида қуйидаги манзилда жойлашган:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ишлаш тартиби: соат 9.00 дан 17.00 гача.
Маълумотлар учун телефонлар: 132-08-87, 132-08-89.

UZBEKISTAN airways

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг

ТОШКЕНТ – ОСАКА – ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича янги доимий қатнови.

2001 йил 27 апрелидан бошлаб Сиз HY-525/526 қатновидан фойдаланиб, кунчиқар мамлакат — Японияга ташриф этиш имкониятига эга бўласиз. Мазкур қатнов ҳар жума куни «Боинг-757»да бажарилади.

Тошкентдан учиш вақти — 22-35 (жумада)
Осакага келиш вақти — 09-55 (шанбада)
Осакадан учиш вақти — 12-00 (шанбада)
Тошкентга келиш вақти — 16-25

Авиачипталарни сотиш ва бандлаш: Тошкент, Усмон Носир кўчаси, 9-уй. Шунингдек, Ҳаво алоқалари бош агентлигининг барча филиалларида.

Халқаро йўналишлар бўйича маълумотнома хизмати: тел.: 56-38-37 (ҳар куни соат 8-00 дан 20-00 гача).

Авиачипталарни офис ва уйга етказиб бериш: тел.: 152-27-90.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК

Ислом КАРИМОВ:

Она-Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она-Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва достонларида улуғлаб келади.

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Қорақалпоғистон Республикасидаги улкан саноат иншоотлари, Тахиатош ГРЭСи, Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, Нукус таъмирлаш механика заводи ҳиссадорлик жамияти, «Катекс» ва «Элтекс» ҳиссадорлик жамиятлари, Хўжайли гилам тўқув фабрикаси ва бошқа объектларда жасоратга тўла ҳаётни кўриш мумкин. Уларда одамлар бор. Бугуннинг одамлари, яъни бизнинг замондошларимиз. Уларга келажакка умид туйғуси илдиздир.

Улкан адибларимиз, истеъдодли ёзувчиларимиз, тиниб-тинчимас журналистларимиз қорақалпоқ заминидаги том маънодаги ўзгаришларни баҳоли қудрат ёритмоқдалар, ҳаётнинг қайноқ бағрига кириб бормоқдалар.

Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига истиқлолдан сўнг қилган бир неча ташрифлари натижаси ўлароқ барча соҳаларда кескин бурилишлар ясалди. Биз қуйида кўрган-билганларимиз хусусида тўхталдик. Бу денгиздан бир томчи, холос.

Тимур КАМАЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси:

ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ СЎНМАГАЙ

— Ўтиб бораётган ҳар бир кун, мустақил давлатимиз ҳаётидаги буюк бунёдкорлик ишлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолмоқда. Бағри кенг, сахий, забардаст халқимиз юрт мустақиллигининг ўн йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун барча соҳаларда фидойи меҳнат қилаётир.

Давр шитоби, ижобий ўзгаришлар шиддати ўлкамиз кенгликларида ҳар қачонгидан кўра тезроқ кечмоқда. Энг муҳими, одамлар онгидаги янгича тафаккурнинг шаклланаётганлиги мамнунлик бағишлайди.

Ислоҳотларнинг жавҳари ҳисобланмиш иқтисодиётда туб ўзгаришлар содир бўлаётир. Асосий эътибор мулкни ҳақиқий эгасига топширишга, бу билан мустақилликни мустаҳкамлашга қаратиляпти. Республика халқ хўжалиги корхоналарининг 95 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг улуши 27 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилларга нисбатан анча ортди. Кичик фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг сони ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг амалий ёрдами билан хориж сармояларини олиб келишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Нукус шаҳри «Қизкетган» посёлкасини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида баҳоси 3,5 миллион АҚШ долларига тенг ишлар Мисрнинг «Араб контракторс» қурилиш фирмаси томонидан олиб борилаётир, шаҳар канализацияси тармоқларини таъмирлаш бўйича Швейцария конфедерацияси ҳукумати 7,5 миллион Швейцария франкини ажратди. Табиий тошларни қайта ишлаш бўйича «Қорақалпоғистон — Ирландия» қўшма корхонаси қурилди.

Хорижий ускуналар билан таъминланган мармар, Хўжайли шиша заводи, кунгабоқар ёғини ишлаб чиқишга ихтисослашган «Платтас», Нукус томат пастаси ишлаб чиқариш қўшма корхоналари, карбид, ун ва кабель заводлари, Амударёга қурилган автомобиль йўл кўприги, «Мискин-Учқудуқ», «Нукус-Тўрткўл» темир йўли мустақилликнинг шарофати билан юзага келди.

Келажакда узунлиги 2294 километр бўлган Андижон-Тошкент-Нукус-Кўнғирот автомагистрали қурилиши бошланади, Кўнғирот сода заводи, Кўнғирот-Мўйноқ сув ўтказгичи, Беруний газ ўтказгичининг қурилишлари жадаллашади.

Ўлкамиз ҳудудида ер ости табиий бойликлари сероб. Устюрт ва Орол денгизи атрофидаги нефть ва газ бойликларини қидириш ишлари яхши самара бермоқда. Юртбошимизнинг ўтган йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини қидириш ва уларни қазиб олишга бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишларни жадал олиб боришга имконият яратди.

Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодида етакчи ўрин тутади. Ўтган йилги ва бу йилги сув танқислиги деҳқонларимизни қатъий синовлардан ўтказди. Ушбу шароитларни ҳисобга олиб, деҳқонларимиз сувни кам талаб қиладиган экинларни экишга, деҳқончилик маданиятини яна ҳам ривожлантиришга аҳамият бермоқда. Бу, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Қийин шароитда Ўзбекистон ҳукумати республика халқини ижтимоий ҳимоя қилишга аҳамият берди. Бундай ғамхўрликдан жуда миннатдормиз.

Бу йил ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида республикамиз учун 5,2 миллиард сўм, умуман ижтимоий соҳага Ўзбекистон Республикаси бюджетидан 20,4 миллиард сўм субвенция ажратилганлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Мамлакат келажагини ёшлар тимсолида кўрамиз. Улар тараққий топган давлатларда замонавий билимларни эгаллашяпти. Ҳар йили уларнинг сафи кенгаймоқда.

Республикада академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, уларни замонавий ўқув ускуналари билан таъминлашга айниқса, аҳамият берилмоқда. 2005 йилгача Қорақалпоғистонда коллежлар сони 114 тага, академик лицейлар 11 тага етказилади. Бу йил уларнинг қурилиши учун 2 миллиард 418 миллион сўм маблағ ажратилган.

Истиқлол берган имкон туфайли ўлкада нафақат халқ таълими, айни пайтда тиббиёт, маданият, спорт соҳасида ҳам янги ютуқлар қўлга киритиляпти. Республика ёш санъаткорлари хорижда ижодий сафарларда бўлиб миллий маданиятимизни дунёга танитишмоқда. Ўтган йили «Айкулаш» дастаси Германиядаги халқаро фольклор фестивалида ғолиблар сафидан жой олган бўлса, яқинда эса «Қызминайим» дастаси концертлари Ҳиндистонда катта муваффақият билан ўтди.

Нукус давлат санъат музейи экспонатлари кўргазмалари Франция, Германия, Италия давлатлари санъат намояндаларида катта таассурот қолдирди.

Ўтган йил декабрь ойида юртбошимиз раҳнамолигида Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон маданияти кунларининг ўтказилиши ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Маданият кунлари мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она-Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва достонларида улуғлаб келади.

Биринчи кун

СЕЗГИ ТААССУРОТЛАРИ

Ҳаёт давом этаверади. Ҳаётнинг ичидан одамларни топиб олиш, унинг интилиши ва орзу-армонларини кўрсатиш қалам ушлаган одам учун энг муҳим вазифа эканлигини газета ҳам, телевидение ҳам, қолаверса, адабиёт ҳам яхши англайди. Галдаги сафаримиз Қорақалпоғистон Республикасига бўлди. Очиғи, бу ўлканинг ўзига хос томонлари, шарт-шароити, урф-одатлари, табиий иқлими бобида шунчаки, мақола бўлса мақола-да, деган тушунча билан иш юритиш журналист учун осоннинг ости, қийиннинг устидан ўтиш билан баробар.

БУГУНГИ БЕРУНИЙ ТУМАНИ


САНЪАТ САРҲАД БИЛМАЙДИ

Гапни бошидан бошлайлик. Она юрт остонаси — Тошкентимиз аэропортида Як-40 самолёти Нукус йўналиши бўйича соат 20.20 да ҳаволади. Чипта олиш масаласи анча мушкул кечди. Жой йўқ. Тўртта рейс бўлса-да, чипта сотиб бўлинган экан. Йўқ, бир амаллаб бандлик бўлими (брон) орқали билет олдик.

Нукусга ерлаб, оёғимиз заминга теккан чоғда қоронғулик чўккан, шаҳар чироқлар оғушига чўмган бўлса-да, ёғдулар салтанатида кенг кўчалар бўйлари олачалпоқ кўринар, заминнинг шўрлагани сезилиб турар, туз Нукусга ҳам етиб келган эди. Чоғроқ меҳмонхонага жойлашдик. Совуқ сув масаласи чатоқлигини қават бекаси тушунтирди.

Эрталаб Нукус шаҳри марказидаги кўпминг кишилик ўйингоҳда Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларидан мактаб ўқувчилари иштирокида «Олимпиада умидлари» спорт мусобақаси ўтказилди, спортнинг барча турлари бўйича ғолиблар аниқланиб, Тошкентга йўлланма олишди.

ЭЛЛИККАЛЪАДАГИ САНЪАТ САРОЙИ

Қувончли ҳол — ёш авлод бардамлиги, соғлиғи, келажаги учун спортнинг аҳамияти чексиз деган тушунча биз сафарда бўлган жойнинг катта-кичик раҳбари руҳиятига сингган эди. Эртанги кунга ишонч, умид нурлари сўнмаган эл эса ҳар қандай қийинчиликларни енгади, ҳаёт сўқмоқларида тетик одимлайди.

Сўнгра республикадаги мактаблар, болалар боғчалари, таълим-тарбия масканлари билан танишиб замон ва давр руҳини англаш бобида Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ишлар чакки эмас, деган хулосага келдик.

Иккинчи кун

СУВ ВА ЕР

Ҳар қандай рақамнинг инсон тақдирига дахлдорлик даражаси бўлсагина бирор моҳият касб этади. Айниқса, биз келтирган рақам инсоният ризқ-рўзи манбаи бўлмиш сув ва ерга тааллуқли бўлса... ўз-ўзидан бу сон-саноқ келажакни асраш туйғусини уйғотади, анча ҳушёр торттиради. Маълумотларга қараганда, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси сув танқислиги бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида 16 миллиард сўм миқдорда зиён кўрди. Демак, ернинг аҳволи ўзимизга маълум. Аҳоли турмуш шароитининг фаровонлашуви эса бевосита шу тармоқ билан чамбарчас боғлиқ. Яна бир гап, бола-чақа боқаман, ҳосил оламан, давлат олдидаги режани бажариб юзим ёруғ бўлади, демайдиган деҳқон топилмайди. Агар сув етарли, тупроғи унумли бўла туриб кетмонни сояга ташласа, демак, бу одамни биз деҳқон демаймиз. Чинакам ер одами барча имкониятларни излайди. Дастурхонини замин саховатидан бенасиб этмайди. Шундай экан қорақалпоқ деҳқонининг ҳосили бароридан келмаганини табиатнинг объектив сабабларидан излаймиз.

Шудгорлаш, ерни тобига келтириш, уруққа чоғлаш, шўр ювиш — бари-бариси ерлик аҳоли учун ҳаёт эҳтиёжи эканлиги бор гап. Ва бу жойларда барча имкониятлар ахтарилаётгани ҳам ҳақиқат. Энг муҳими, қорақалпоқ деҳқони, барча аҳоли давлатимиз раҳбарияти, шахсан Президентнинг бу борадаги кўмагини ҳис қилишмоқда, уларнинг қалбидаги умид учқунлари бир лаҳза бўлса-да сўнгани йўқ, сўнмайди ҳам.

Ўқувчимизга бир манзарани айтиб ўтишни лозим кўрдик. Хулосани кейин чиқарар: аввалари қишлоқларда кишилар иморат тикламас эди. Бинога пойдевор қўймасдилар. Чунки, ернинг аҳволи тангроқ, сув масаласи чатоқ. Кейинги 1-1,5 йил мобайнида уй қуриш, томорқа олиш жонланди. Сабаби — халқ англаяпти, ишонди, келажакда ҳаммаси яхши бўлади, муаммолар имконият даражасида ечим топади, мамлакатимиз раҳбариятининг асосий эътиборида бу масала. Тинчлик, тотувлик, сабр-қаноат туйғусидан Оллоҳ айирмасин... Боласига, ўғил-қизига, невара-чеварасига жой олиб, бошпана тиклашга чоғланган халқнинг, эл-элатнинг эртаси буюк бўлади.

Бугун Қорақалпоғистонда газлаштириш масаласи 86 фоизга етди. Шароит кўламидан қараганда бу катта гап. Алоҳида эътиборнинг исботи.

Аҳоли томорқасига сув бериш, ҳовли-жойини кўкдан мосуво этмаслик маҳаллий раҳбарларнинг диққат-эътиборида. Томорқада сув бўлса кишиларнинг уйида бутлик бўлади. Кайфиятига табиий танқислик соя ташламайди. Биринчи галда инсон қадри улуғланиши лозим. Яна бир гап — ҳозир кўплаб томорқаларда оқ терак экилаяпти. 7-8 ёшли оқ терак харидоргир. Донаси 3000-3500 сўм туради. Қорақалпоқлик ишбилармонлар қурилишбоп бу маҳсулотни четга валюта ҳисобида сотишнингда уддасидан чиқаяптилар.

Республикада қишлоқ хўжалиги майдонлари 5302,7 минг гектарни ташкил қилади. Шундан 425,3 минг гектар ер шудгорланади. 11,9 минг гектари боғ ва узумзорларга тўғри келади. Албатта, бу фактлар ўзига хос маъно-мазмун бахш этиши учун эса яна оби ҳаёт — оби қисмат масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш керакки, азалдан суяги қотган, ер билан тиллашиб-диллашиб келаётган, деҳқончиликсиз турмушини бир лаҳза ҳам тасаввур қилолмайдиган асл инсонлар борки, улар билан суҳбатлашиш чоғида кайфиятингиз анча тиниқ тортади.

Беруний туманида Пардагул Ражабова деган опамиз яшайдилар. У «Бийбозор» фермер хўжалиги бригадири. Опа тажрибали пахтакор, кўп нарсани билади. Ҳаётнинг паст-баландини тушунади. Ёши олтмиш бешни қоралаган. Керак бўлса, комбайнми, тракторми бошқариб кетаверади.

— 116 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. 72 гектар пахта, 30 гектар буғдой, 4 гектар кунгабоқар, 4 гектар полиз, 2 гектар оқ жўхори ҳамда 1,5 гектарга лавлаги экдим. Ўтган йили ҳосил чўғи ёмон бўлмади. Бор имкониятни ишга солдим. Тўғри, сувсизлик ҳаммага маълум. Бироқ, шу ер, шу тупроқ бизники. Отабололаримиз ўтган. Уни ардоқлаш, ҳосил ундириш, чидаш ҳар қайси деҳқоннинг жон амри, юрак қўри. Мен сизга бир гап айтайми? Дарё оққан жой ҳеч қачон оқмай қолмайди. Оллоҳ нури ёғиб, сув мўл-кўлчилиги бўлса, янада яхши кўрсаткичларни эгаллаймиз.

Чўл шамоли, дашт тўзони, саратон офтобида чиниққан бу камсуқум ва содда аёлнинг ботини ва юрагидаги куч сўнмаган. У хайрлашаётиб дадил, ишонч билан қўл чўзади.

Учинчи кун

ҲАЁТ

Нукус шаҳридан 4-5 чақирим шимолга юрилса, кенглик бошланиб, Нукус туманини ҳадлайсиз. Юқорида айтганимиз каби ариқ ва йўл четларини туз қоплаган кенг ялангликда усти ойнаванд иссиқхона кўзга ташланади. Ташқаридан қараганда кўримсизроқ, нима қипти, шунчаки бир иссиқхонадир-да, деган таассуротда ҳам бўласиз. Қорақалпоғистон агросаноат бирлашмасига қарашли иссиқхона хўжалиги билан танишиб кўнгилдан бир ўй кечади: қаловини топсанг қор ёнади. Иссиқхонада «Гразино» ва «Ромарео» деган помидор ва бодринг навлари экилган. Кўчатлар бўйчан. Ойнаванд шифтларга туташ. Инсон қўли нималарга қодир-а? Новдаларда шиғил-шиғил ҳосилга кирган қип-қизил помидорлар ташқаридаги туз шамолга қарши исён кўтараётгандай. Бир кўчатда 50-60 дона помидор товланиб, пишиб турибди. Ҳали ҳосилга тўлажак тугунчалар қанча. 1 квадрат метрдан 10-12 килограмм ҳосил олинади. Бодринг ҳосили ҳам анча тўлиқ. 1 квадрат метрни чамаласак 15-20 килограмм ҳосил бор. Кунора 10-15 тонна бодринг ҳосили олиниб, эл дастурхонига жўнатилади. 0,5 гектар жойни помидор, 5,5 гектар майдонни эса бодринг ниҳоли эгаллаган. Ҳосил терими деярли ҳар куни ўтказилади. Иссиқхонада учта бригада ишлаяпти. Меҳнати ҳам ўзига яраша. Кўчатлар томчилаб суғорилади. Ҳароратни ушлаб туриш ҳам осон иш эмас. Хуллас, нима бўлганда ҳам қаҳратоннинг қоқ ўртасида, Қорақалпоғистон иқлимига хос аёзда ҳам бу ерда лаззатли, кўчатидан энди узилган маҳсулотни дастурхонга қўйишингиз мумкин.

НУКУС ИССИҚХОНАСИДА...

КЎПРИК — ЯҚИНЛИК ДЕГАНИ

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



ҲУЖЖАТ

Қорақалпоғистон Республикаси. Майдони — 166,6 минг кв.км.
Пойтахти — Нукус шаҳри.

Аҳолиси — 1530,2 минг киши.
Республикада 15 та туман, 12 та шаҳар, 16 та шаҳарча, 120 та овул кенгаши мавжуд.

Аҳолисининг таркиби:
32,1 фоиз — қорақалпоқлар,
32,8 фоиз — ўзбеклар,
26,3 фоиз — қозоқлар,
5,0 фоиз — туркманлар,
1,6 фоиз — руслар,
0,8 фоиз — корейслар
0,7 фоиз — татарлар,
0,2 фоиз — украинлар,
0,1 фоиз — қирғизлар ва ҳоказо.

ЭЛЛИККАЛЪАДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

БЕРУНИЙ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ КОМИЛЖОН ЮСУПОВ ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Бундан ташқари, агросаноат бирлашмасига қарашли томат пастаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилди. Завод соатига 10 тонна маҳсулотни қайта ишлайди. 140 гектар майдонга очиқ усулда помидор кўчати ўтқазилиб, томчилаб суғориш асосида парваришланади. Ҳозир бу борада ҳаракат авжида. Худо хоҳласа, бу йил Нукус ва унинг атрофи аҳли завод маҳсулоти билан тўлиқ таъминланади...

Иссиқхонадан чиққанимизда шамол туз ва қум зарраларини учириб юзимизга урди. Ичкарида эса мутлақо бошқа ҳол — кўкариш, яшнаш, тириклик, бир сўз билан айтганда, инсон, қўли гул инсоннинг ғалабаси.

Тўртинчи кун

ЧЎПОНЛАР ҚОНУНИЯТИ

Берунийда «Қизилқалъа» ширкат хўжалиги бор. Чорвачиликка асосланган. Туман марказидан 25 чақирим йўл юрилади. Атроф чўл. Саҳро. Шамоли суякни зирқиратади. Агар бу йўлдан шаҳарлик мактаб ўқувчиси билан ўтсангиз, машина ойнасидан қараб «Вой-бу, дадажон, ҳаммаёқ оппоқ қор-ку» деб юборади. Ер тагидан туз қайнаб чиққандай гўё.

ҚИЗИЛҚАЛЪАЛИК ЧЎПОН ОТАР БОШИДА

Кенг текисликда унда-бунда туялар юрибди. Чўпонники. Айтишларича, 200-300 чақирим олисдан келиб ҳам шу ерларда туя юраркан. Эгаси Қозоғистон ёки Туркманистонда-ю, ўзи бу ерда кезган туяларнинг сағринида белги бўларкан, яъни чўпоннинг муҳри. Яна бир гап, туяларни ҳеч ким олиб кетмайди, ўғирламайди, қадимдан шундай. Чўпонлар орасида ички бир қонуният сақланиб қолган. Туянгни кўрдим, ҳув Беруний дашти ёки Элликқалъада экан, деб қўйишади. Ой ўтибми, йил ўтибми, бир куни туя эгасиникига қайтиб боради. Туялар чегара билмайди. Туялар учун ҳамма саҳролар очиқ. Буни чўпонлар яхши билишади.

Хуллас, хўжалик идорасидамиз. Бу ерда асосий даромад чорвадан, қўйчиликдан. Бўрилар ҳужум қилиб тураркан. Унинг битта ёки иккитаси бир отарни жароҳатлаб кетаркан.. Бўри тиши ботган қўйнинг омон қолиши даргумон. Хўжалик раиси Аллаберган Исҳақов овулнинг алп йигитларига айтибди: «Шу бўриларни отганларга ҳар чўпондан бир қўй олиб бераман...» Лекин ҳали бирортаси бўри отиб келолмади. Йиртқич жондор камдан-кам ҳолда ўз қорасини кўрсатади, қора тун ёки айни саҳарда овга чиқади... Ҳар қандай чўпон бир бўри боши учун бир қўй беришга тайёр. Бир қўйдан воз кечган қаёқда-ю, ярим отарни жароҳат жаридан қулатмоқ қаёқда?

«Қизилқалъа»да чўпонга қўй ижарага берилди. Демак, масъулият ортди. Даромад яхши. Ўтган йили ялпи даромад 46 миллион 204 минг сўмни ташкил этди. Шундан 37 миллион 555 минг сўми чорвадан келди. Аҳолининг рўзғори бут — қозони қайнаяпти. Фақат баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтсак: қоракўл тери пулини вақтида айрим мутасадди ташкилотлар, заводлар тўламаяпти. Бу ҳақда ёзиш шарт эмас, деган маънода раис истиҳола қилди. Яна бир томони, Бухоро ва Навоий вилоятлари яйловларида маълум масофада 100 килограммдан ўт-ўлан бўлса, хўжалик яйловида сувсизлик, ер шўрлиги оқибатида 25-30 килограммга зўрға етиши мумкин. Шу боис, берунийлик чўпонга бирмунча қийинроқ. Бундан ташқари, қоракўл терининг энг яхшиси 6000 сўм... Камдан-кам ҳолда шундай нарх насиб қилади. Энди фараз қилинг, қоракўлдан кўра чорвада бош сонини кўпайтириш анча қулай ва фойдали эмасми? Бизнинг бу гапимизни хўжалик чўпонлари тасдиқлашди...

«Қизилқалъа»дан қайтаётиб Беруний шаҳрига кириб ўтдик. Туман қиёфаси бошқа жойларга қараганда анча фарқ қилади. Обод, гўзал. Муҳташам бинолар. Кўркам иморатлар. Озода кўчалар. Очиғи, республикамизда кейинги йилларда чирой очган Гулистон шаҳрига ўхшаб кетади. Туман ҳокими Алланазар Жуманиёзовнинг бир гапи ҳаммамизга маъқул тушди.

